

**“GROSS SUG’URTA KOMPANIYASI” AJning  
“Такофул дарчаси” фаолиятини амалга ошириш сиёсатидан  
КЎЧИРМА**

Такофул бу суғурталашнинг бир шакли бўлиб, ислом молияси тамойилларига мувофиқ белгиланган маълум қоидаларга асосан мижозлардан суғурта бадаллари ҳисобидан захира шакллантириш ва ушбу захира ҳисобидан зарар кўрган мижозларнинг зарарларини қоплашни назарда тутди.

Такофул дарчаси такофул фаолиятини амалга оширишни таъминловчи, суғурта ташкилоти умумий тизимининг бир қисми ҳисобланади.

Такофул фонди такофул фаолияти билан боғлиқ бўлган барча захиралар йиғиндиси ҳисобланади.

Такофул фаолиятини амалга оширувчи такофул оператори “GROSS SUG’URTA KOMPANIYASI” AJ ҳисобланади.

Суғурта бадали такофул доирасида такофул шартномаси доирасида мижоз томонидан тўланадиган бадал (мукофот, тўлов) ҳисобланади.

Такофул шартномаси такофул оператори томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ такофул хизматларини кўрсатиш тўғрисида такофул оператори ва мижоз ўртасида тузиладиган шартнома ҳисобланади.

Такофул хизматларига такофул оператори ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан такофул фондини бошқариш ва унинг ҳисобидан зарар кўрган мижозларга қопламаларни тўлаш билан боғлиқ хизматларни ўз ичига олади.

Мижоз такофул оператори билан такофул шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

Такофул оператори такофул фаолиятини барча умумий ва махсус суғурта қонунчилиги меъёрлари доирасида амалга оширади.

Такофул фаолияти билан боғлиқ бўлган маблағлар ва мажбуриятларнинг анъанавий суғурта бўйича маблағлар ва мажбуриятлар билан аралашиб кетишига йўл қўйилмайди.

Такофул фаолияти учун такофул оператори томонидан алоҳида банк ҳисоб рақами очилади. Такофул бўйича суғурта захираларининг ҳисоби алоҳида тарзда юритилади.

Такофул фаолияти такофул оператори қошида ташкил этилган ислом молияси бўйича экспертлар кенгаши (кейинги мантларда – экспертлар кенгаши) томонидан назорат қилиб борилади.

Экспертлар кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг аъзолари Такофул операторининг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланди.

Такофулга қонунчилик асосида рухсат берилган барча рисклар қабул қилиниши мумкин, бундан ислом молияси тамойилларига мувофиқ суғурта қилиниши тақиқланган риск ва объектлар мустасно.

Такофул орқали қуйидаги объект ва рискларни суғурталаш тақиқланади:

- алкоголь ичимликларни, уларни сотиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ мулклар ва рискларни суғурталаш;
- чўчқа, чўчқа гўшти ва маҳсулотларини сотиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ мулклар ва рискларни суғурталаш;
- фоизли банк кредитлари ва қарзларни қайтмаслигини ҳамда улар бўйича гаровга қўйилган мулкларни суғурталаш;

- бошқа шу каби ислом молияси тамойилларига мувофиқ суғурталаниши тақиқланган рисклар.

Такофулга қабул қилиниши тақиқланган рисклар ва объектларнинг рўйхати экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланади. Такофулга фақатгина экспертлар кенгаши томонидан рухсат берилган рисклар ва объектларнинг турларигина қабул қилиниши мумкин.

Такофулга мижозлар томонидан тўланадиган бадал миқдори, суғурта пули ва қопламаси чегараси такофул оператори томонидан такофул маҳсулотининг хусусиятидан келиб чиқиб актуар ҳисоблар асосида белгиланади.

Такофул операторининг ижро органи такофулни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мижозлар билан такофул шартномаларини тузиш;
- янги такофул маҳсулотларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертлар кенгашига тақдим этиш;
- такофул маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш бўйича реклама ва маркетинг тадбирларини амалга ошириш;
- такофул фонди маблағларини белгиланган тартиб қоидаларга асосан инвестиция қилиш;
- такофул фонди маблағлари ҳисобидан ўз хизмат ҳақини олиш.
- Такофул операторининг ижро органи мажбуриятлари:
- такофул фаолиятини амалга оширишда қонунчилик меъёрларининг бузилишига йўл қўймаслик;
- такофул шартномалари бўйича такофул операторининг мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш.
- такофул фондини белгиланган қоида ва тартибларга кўра шакллантириш ҳамда мақсадли сарфлаш;
- экспертлар кенгаши ва ички назоратчи фаолият юритишини таъминлаш;
- эксперт кенгаши томонидан чиқарилган қарорлар ва кўрсатмаларга риоя қилиш.

Такофул оператори такофул фонди маблағларининг хавфсиз сақланишини таъминлашга жавобгардир. Такофул фондига такофул операторининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида зарар етган тақдирда, такофул оператори ўз маблағлари ҳисобидан ушбу зарарни қоплайди. Такофул оператори таъсисчилари ёки кузатув кенгаши мазкур ҳолатлар бўйича ўз кафиллигини белгиланган ҳужжат асосида тасдиқлаб беради.

Такофул фаолияти билан боғлиқ бўлган барча захиралар такофул фондини ташкил этади.

Такофул фонди маблағлари такофул фаолиятига тегишли маблағлар ҳисобланади ҳамда фақатгина такофул фаолияти мақсадларида ишлатилиши мумкин.

Такофул фондини шакллантириш ва юритиш алоҳида очилган банк ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

Такофул фонди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги" низоми асосида шакллантириладиган такофул фаолияти бўйича ишлаб топилмаган мукофотлар захираси, зарарлар захиралари ва фалокатлар захирасидан ташкил топади.

Такофул фаолияти бўйича захираларни ҳисоблашда суғурта агентларига тўланадиган мукофотлар ҳисобга олинмайди.

Такофул фонди маблағлари суғурта бадаллари ҳисобидан шакллантирилади ва суғурта бадалининг қуйидаги захиралар ва сарфлар ўртасида тақсимланиши талаб этилади:

- ишлаб топилмаган мукофотлар захираси;
- зарарлар захиралари;
- ҳалокатлар захираси.

Такофул оператори томонидан такофул фаолияти амалга оширилганлиги сабабли, унинг ушбу фаолиятдан оладиган даромади, келиб тушган суғурта бадалларига нисбатан қатъий фоиз улушида белгиланади. Такофул операторининг даромади чегирилгандан сўнг қолган барча такофул фаолияти маблағлари такофул фонди маблағлари ҳисобланади.

Такофул фондига келиб тушган маблағлар қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

- Такофул бўйича суғурта зарарларини қоплаш;
- Бўш турган маблағларни белгиланган тартибда инвестиция қилиш;
- Такофул фондининг мижозларга тегишли маблағларини белгиланган тартибда мижозларга қайтариб бериш.

Такофул фондининг мижозларга тегишли маблағлари миқдорларини аниқлаш ва қайтариш тартиби такофул фондига тааллуқли захираларни шакллантириш ва юритиш тартибида белгиланади. Мижоз вафот этган тақдирда, унга тегишли миқдор меросхўрларига берилади.

Такофул фонди маблағлари суғурта зарарларини қоплашга етарли бўлмаган тақдирда, зарарлар Такофул операторининг ўз маблағлари ҳисобидан устав капиталидан ошиқ бўлмаган миқдорда қопланади ва ушбу сумма такофул фондида салбий (минус) ишора билан акс эттирилади. Мазкур ҳолат такофул оператори такофул фондига ўз маблағлари ҳисобидан фоизсиз қарз берганлигини билдиради. Такофул фонди маблағлари ижобий (плюс) ишора билан акс эттирилганда мазкур молиявий ёрдам такофул операторига қайтарилганлигини билдиради.

Агар жамият ходими ёки мижоз такофул фондига қилинадиган тўловларни адашиб анъанавий ҳисобга туширса, бу суммани қайта такофул фондига олиш учун Экспертлар кенгашидан рухсат олиши керак.

Такофул фондини шакллантириш, ишлатиш, бошқариш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ барча тартиб ва қоидалар экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Такофул фаолияти такофул оператори томонидан тўхтатилган тақдирда, такофул оператори амалдаги такофул шартномалари бўйича жавобгарликни олиб боради. Бунда такофул операторининг жавобгарлиги такофул фонди доирасида бўлади.

Такофул фаолияти тўхтатилгандан сўнг, такофул фонди маблағлари суғурта зарарларини қоплашга етарли бўлмаса, Такофул оператори ўз маблағлари ҳисобидан мазкур зарарни қоплашни мақсад қилади. Ушбу қоплама ислом молияси нуқтаи-назаридан такофул оператори томонидан амалга оширилган хайрия деб ҳисобланади.

Такофул фаолияти тугатилган тақдирда мижозларнинг розилигига кўра такофул шартномалари муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин. Бунда мижозга тегишли бўлган такофул фондидаги улуш миқдори унга

қайтариб тўлаб берилади. Такофул шартномалари муддатидан олдин бекор қилинмаган тақдирда Такофул оператори такофул фонди доирасида мижозлар олдида жавобгарлик олиб боради.

Барча такофул шартномалари муддати тугагандан сўнг такофул фондида маблағлар қолдиғи мавжуд бўлган ҳамда такофул фондининг мижозлар ва такофул оператори олдида бажарилмаган мажбуриятлари мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу маблағлар тегишли мижозларга белгиланган миқдорларда қайтариб берилади.

Такофул фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш тартиб-қоидалари экспертлар кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

